

**Процессуал ҳуқуқ нормалари бузилишига йўл қўйилганлиги суд қарорларининг бекор қилиниши ва ишни янгидан кўришга юборишга сабаб бўлади.**

Аризачи А.Бўтаев Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий округи зиммасига ўзига ажратилган хизмат квартирасини хусусийлаштириб бериш мажбуриятини юклаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2010 йил 23 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, А.Бўтаевнинг аризаси қаноатлантирилган.

Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий округига А.Бўтаевга ушбу квартирани хусусийлаштириб бериш мажбурияти юклатилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 6 майдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, А.Бўтаевнинг аризасини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 22 августдаги ажрими билан суд қарорларини бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Мудофаа Вазирлигига қарашли марказий ҳарбий округнинг уй-жой бўлими томонидан 2004 йил 6-сентябрда берилган ордерга асосан А. Бўтаев оила аъзолари билан низоли квартирадан фойдаланиб келган. 2009 йил май ойида соғлиғига кўра, ҳарбий хизматдан захирага бўшатирилган.

Суд ишни кўришда А.Бўтаев ишлаб келган Мудофаа вазирлигининг тегишли уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси (КЭЧ)ни ишга жалб қилмай, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 314-моддаси 2-қисми 2-банди талаби бузилишига йўл қўйган.

***ФСХ-344-11-сонли ажрим***

